

«Тасдиқлайман»

Наманган Шахар
Тиббиёт бирлашмаси
бошлиги

Ш.Хайдаров

" 7 " январ 2022 йил

Наманган шахар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида даволанаётган беморларга 2022 йил январ, феврал, март ойилари учун кунлик санитария жихатдан сифатли тайёр парhez озиқ овқат махсулотини таёрлаб бериш ишларини амалга ошириш учун кўзда тутилган харожатлар тўғрисида

АУТСОРСИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИ

2022 йил 1-чораги учун

№	Амалга ошириши лозим бўлган ишлар номи	Ўлчов бирлиги	январ-феврал-март-ойларидан уртача бемор сони	Аутсорсинг хизмати билан бирга нарх	Жаъми суммаси	Изох
1	Нонушта учун	Порсия	10200	3200	32640000	Хар куни беморлар сонига қараб талабнома асосида таёр парhez озиқ овқат тайёрлаб ой охирида ҳисоб китоб қилинади.
2	Тушлик учун	Порсия	10200	7180	73236000	Хар куни беморлар сонига қараб талабнома асосида таёр парhez озиқ овқат тайёрлаб ой охирида ҳисоб китоб қилинади.
3	Кечки овқат учун	Порсия	10200	5500	56100000	Хар куни беморлар сонига қараб талабнома асосида таёр парhez озиқ овқат тайёрлаб ой охирида ҳисоб китоб қилинади.
	Жаъми			15 880	161 976 000	

Соғлиқни сақлаш Вазирлигини 1993 йил 22 март кундаги 122-сонли буйруғига асосан шифохона даволанаётган беморларга тайёрланадиган парhez таомларни тайёрлашдаги танлов иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Шифохонада 1-5-7-9-10-11-15-столлар буйича тайёрланиши керак бўлган иссиқ овқат буйича маълумот бўлиши ҳамда каллорияси 2500-3500 кл/каль оралиғида бўлиши ҳисобга олинади. Озиқ-овқат махсулотлари тайёрлаш учун тузилган меню худудий хокимлик органлари томонидан белгиланган нархлари буйича ҳисоб-китоб қилиниши шарт;

2. Танловда қатнашувчи корхона гувоҳномаси ва низомида озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш ҳамда аутсорсинг хизмати буйича ошхона хизматини ташкил этиш алоҳида кўрсатилган бўлиши керак;
3. Давогар аутсорсинг хизмати шу йуналишда беморлар учун иссиқ овқат етказиб бериш фаолиятини олиб борганлиги ҳамда тажрибага эга бўлиши.
4. Малакали ходимлари булиши шарт. ошпазлар ҳақида (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўригидан ўтганлиги, ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма) маълумот.
5. 2021-2022 йил куз-қиш мавсуми захира режаси асосида озиқ-овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома. (картошка 4000 кг, сабзи 1000 кг, пиёз 500 кг, гуруч 500 кг, карам 700 кг ва бошқа маҳсулотлари).
6. Хизмат кўрсатиш моддий техника базаси низом талаби даражасида етарли бўлишлиги, ажратилган 1 ойлик смета маблағлари доирасида банкдаги ҳисоб варағида пул маблағига эгаллиги тўғрисида маълумотномаси.
7. Ойлик меню намунасини тақдим қилишлиги, Менюлар Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган техноменю дастури орқали тузилган бўлишлиги шарт;
8. Танлов иштирокчисининг озиқ-овқат омбори, озиқ-овқат захираси мавжудлиги, хизмат кўрсатиш жараёнида жорий таъмирлаш ишларини амалга оширилиши буйича маълумотнома.
9. Худудий солиқ инспекциясидан тасдиқланган қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
10. Жамиятнинг биржа маълумотлар баъзасида инсофсиз ижрочилар ягона руйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома.

Озиқ-овқат ва ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши мавжудлиги ҳамда инвестиция киритиш ҳолатлари иштирокчига Ўзб.Рес.ВМнинг 2020 йил 10 январдаги 16 сонли қарори талаблари бажарилиши буйича устунлик ҳуқуқини беради. Танлов талабгори тақдим этилаётган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танловда иштирокчилар томонидан энг паст нарх тақдим қилинишида юқорида кўрсатиб ўтилган талабларнинг мавжудлиги инobatга олинади. Юқоридаги талаблар бажарилмаган тақдирда паст нархда хизмат кўрсатиш, иштирокчиларга ғолиб деб баҳолаш имкониятини бермайди. Конкурс иштирокчисини 1-10 гача булган балл куйиб баҳоланади.

Юқори балл тўплаган давогар танлов ғолиби ҳисобланади.


Изоҳ: Лозим топилганда комиссия иштирокчилари томонидан танлов иштирокчиларини молиявий ҳолатини ва иш фаолиятини ўрганиб чиқилади.

КУК раиси:




А.Жураев

Бош ҳисобчи:



Б.Мадаминов

Бош хамшира:



З.Пулатова